



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 97 (9083).

1987 йил 23 май, • шанба •

Баҳоси 3 тийин.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАР-
КАЗИ, 22 май (ТАСС). Юрий
Романенко ва Александр Ла-
вейкиннинг узок муддатли ор-
битал парвози давом этмоқда.

Ўтган ҳафта мобайнида кос-
монавтлар станция борт сис-
темалари ва астрофизик мо-
дуллнинг техникавий қарови
билан шугулландилар. Ер
сахнини бир неча бор куза-
тиб, уни суратга олдилар,
комплекс медицина текшируви-
дан ўтдилар.

Космик материалшунослик
программаси доирасида эки-

пак бир қанча эксперимент-
лари бақарди, бундан кўзда
тутилган мақсад космик ваку-
ум ва вазнсизлик шароитида
электрон нур буғлангани ва
шундан кейинги кондензация

методи билан металл қоплама
югуртиришнинг технология-
сини яна ҳам яқинлаштириш-
дан иборатдир. Полимер плен-
кага мининг бир неча қатла-
ми пуркалди.

Таркиби турлича бўлган
материалларнинг, вазнсизлик
ҳолатида буғлангани хусу-
сиятлари ҳақида маълумотлар
олиш мақсадида икки таркиб-

ли «мис—күмүш» қотишмаси-
нинг буғлангани юзасидан экс-
перимент бақарилди.

Бугун Юрий Романенко ва
Александр Лавейкин геофизик
тадқиқотларнинг навбатдаги
туркумини ўтказишни ҳамда
«Прогресс-30» кемасидан юк-
ларни тушириш ишларини ре-
жалаштиришлар.

Телеметрик ахборот маълум-
отлари ва экипажнинг ҳабар
қилишига қараганда, одам
бошқарадиган «Мир» орбитал
комплексининг парвози нор-
мал давом этмоқда.



Тошкент. Ўн биринчи қақариқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси. Мажлислар залида.

(ЎзТАГ фотоси).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

22 май кунин Тошкентда ўн биринчи қақариқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, Ф. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, М. Х. Холмухамедов, Х. Алимова, И. Х. Жўрабеков, В. А. Хайдуков, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўдилар.

Мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат П. Қ. Ҳабибуллаев очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Н. Ч. Норқобилов хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясидан кейин ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисида Мандат комиссиясининг раиси депутат Т. Қ. Жўраевнинг докладини тингладилар.

Олий Совет Андижон область 140-Комсомолобод сайлов округидан сайланган депутат Х. Ж. Бегматовнинг, Самарқанд область 315-Янгиқўрғон сайлов округидан сайланган депутат Б. С. Ҳамидовнинг, Сурхондарь область 378-Анбарсой сайлов округидан сайланган депутат Х. Э. Бердиевнинг, Фаргона область 427-Халқобод сайлов округидан сайланган депутат А. Н. Носировнинг, Қорақалпоғистон АССР

510-Бўзатов сайлов округидан сайланган депутат Н. Д. Мизякиннинг ваколатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социалистик тартибни қандай бақарилаётганлиги ҳақида»ги қарори қандай бақарилаётганлиги ҳақида.

3. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Уй-жой-коммунал хўжалиги доимий комиссиясининг иши ҳақида.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети баъзи доимий комиссияларининг составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида.

Сўнгра депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сессия кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Р. Н. Нишонов сўзга чиқди. У депутатлардан Ю. А. Гусев ва Д. Дадажоновани

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари вазифаларидан озод қилиш тўғрисида таклиф киритди.

Депутатлардан Г. А. Стефановскийни ва А. Н. Носировни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисида партия группаси ва Оқсоқоллар кенгаши томонидан маъқулланган таклиф киритилди.

Олий Совет шу масала юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди.

Кун тартибига иккинчи масала юзасидан «КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бақарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Ф. Х. Қодиров доклад қилди.

Шундан кейин Олий Совет докладни муҳокама қилишга киришди. Музокараларда депутатлардан: Т. А. Ешимбетова (481-Калинин сайлов округи), Ю. В. Курочкин (168-Транспорт сайлов округи), Ю. О. Бузуков (425-Ғайрат сайлов округи), И. И. Маматисаев (437-Беруний сайлов округи), Х. И. Исмонов (146-Мустақам сайлов округи), В. Н. Сигедин (60-Олтинтопган сайлов округи), Б. Ж. Ҳакимов (284-Поп сайлов округи), В. А. Жонибеков (52-Красноармейск сайлов округи), А. Ҳабибуллаев (391-

Пахтабод сайлов округи), Ф. А. Полтаева (10-Шодлик сайлов округи), Ш. Ҳайдарова (59-Олмалиқ сайлов округи), С. М. Бахронов (125-Олтинқул сайлов округи), Н. Бердиев (252-Конимех сайлов округи), Ш. К. Назарова (362-Навой сайлов округи), Қ. Синдор (398-Ленинград сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Депутат И. А. Шигильчева Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига қуйидаги депутат сўрови билан мурожаат қилди: Толимаржон ГРЭСи билан Тошкент ва Қарши шаҳарлари ўртасида барқарор ва ишончли алоқани ташкил этиш ишлари қачон низоҳасига етказилади? Депутатлар сессия кун тартибига депутат сўровини киритиш ва унга жавоб беришни республика алоқа министри К. Раҳимовга топшириш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Олий Совет «КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бақарилаётганлиги ҳақида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

ВАТАНИГА КЕТА ТУРИБ

Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Линь 22 май кунин Тошкентдан Ватанига жўнаб кетди.

Нгуен Ван Линь Ўзбекистон пойтахтида тўхтатган вақтида республика Халқ хўжа-

лиги ютуқлари кўрғазмасининг экспозициялари билан, В. И. Ленин номи Тошкент метрополитени билан танишди, шаҳарнинг диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечириди.

Вьетнам Социалистик Рес-

публикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Мар-

казий Комитети Бюросининг аъзолари М. Х. Холмухамедов, В. А. Головин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. З. Захриддинов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Ашхободда ёшларни СССР Қурулди Кўчаларида хизмат қилишга тайёрлаш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш икки кун давом этди. Кенгаш ишида Ўзбекистон ва Туркманистон партия, совет, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ходимлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг офицерлари иштирок этидилар. Кенгашда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонини генерал-полковник Н. И. Попов нутқ сўзлади. У ўтган кенгашдан кейинги ишлар йил ичида амалга оширилган таълимий-техника базаси яқини ташкил қилишга асосланганлигини айтиди. Округ штаби ҳарбий комиссарларга самаралироқ раҳбарлик қилаётганини бўлиб қолганлигини, партия ва совет органлари билан алоқалар мустақамланганлигини ва оталиқ ишлари кучайганини айтиди. Комсомол ҳарбий гостиниаларини оталиққа олмақда. Запасга бўшатиш интернационалист-

жангчиларга эътибор билан раҳбарлик қилинмоқда. Бироқ, деди нотиқ, ёшларни Ўзбекистон ва Туркманистонда Қурулди Кўчаларда хизмат қилишга тайёрлаш масалаларида тўб қайта қуриш содир бўлмади, камчиликлар етказилган билан туғатилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, маҳаллий органлар ишга пировард натижаларга қараб эмас, балки эскичагина — амалга оширилган тадбирлар миқдорида, мана шу тадбирларга ёшларни жалб этиш ва проишга қараб баҳо бермоқдалар. Бошланғич ҳарбий таълимнинг ҳарбий таълим базаси яқини ташкил қилишга асосланганлигини айтиди. Маҳаллий миллат вакиллари орасидан офицер кадрлар тайёрлашда, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳали муаммолар бор. ДОСААФ ташкилотларида

ҳали қайта қуриш амалга оширилмапти. Улар ёшларни спортнинг ҳарбий-амалий турларига оммавий жалб этишнинг ташаббускорлари бўлмаптилар. ДОСААФ мактаблари машғулотларида давомат даражаси паст. Камчиликларни туғатиш учун республикалардаги, мамлакатнинг бошқа регионларидати мавжуд илгор тажрибани умумлаштириш ва ёйиш, рус тилини ўргатиш методикасини тақомиллаштириш, бошланғич ҳарбий таълимнинг даражасини кескин ошириш зарур. Муассасалар, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг ёш жангчилар хизмати ўтайдиган ҳарбий қисмлар билан алоқасини кучайтириш керак. Ҳарбий наслбара ёшларни тарбиялашда кўпроқ эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишев республикалар партия ва жамоат ташкилотларининг вазифаларига тўх-

талиб ўтди. Бундан бир йил олдин ўтказилган семинар, деб ўқитириди, партия ва жамоат ташкилотларининг ишга ижобий таъсир қилган бўлса-да, бироқ бу ишда тўб бурилиш бўй бермади. Шунинг учун биз кўпгина ҳал этилмаган масалаларни қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдамиз ва ҳаммаи семинарда ўртага қўйилган муаммо билан янада аниқроқ ва самаралироқ шугулланишга даъват етказди.

Семинар-кенгаш ишида Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Ҳакимов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Хўжамуродов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. И. Омаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Г. Шмиidt, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Б. Тагандурдиев иштирок этидилар.

(Туркмениформ — ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ СОСТАВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети қарор қилди:

1. Депутатлардан Юрий Александрович Гусев ва Дилшодхон Далажонова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аъзолари вазифаларидан озод қилинсин.

2. Депутатлардан Азиз Носирович Носиров ва Геннадий Александрович Стефановский Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1987 йил 22 май.

САЙЛОВ ОЛДИДАН ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистонда маҳаллий Советлар депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш бошланди.

Тошкентда округ сайлов комиссиясининг мажлисида экспериментал-механика заводи илчиси Лариса Павловна Чубаровани 347-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди. Тошкент тўқима-чилик ва енгил саноат институтининг студенти Зулфия Алимова 349-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

РСФСР РАССОМЛАРИ

СЪЕЗДИ ЎЗ ИШНИ ЯКУНЛАДИ

РСФСР рассомларининг VI съезди Россия тасвирий санъати усталарини жамаияти қайта қуришда революцион жаранга фаол ирилди, социалистик реализм санъатининг асосий принципларини бадиий ҳақиқат, партиявийлик ва ҳалқчиллик принципларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишга даъват этди. 22 майда съезд Москвада ўз ишини якунлади.

Қабул қилинган қарорда санъатнинг гражданлик миссиясига эътибор қаратилди. Съезд РСФСР Рассомлар союзи правленесининг, ижодий союз Ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

СССР рассомларининг VII съездида делегатлар сайланди.

Съезднинг якуновачи

мажлисида КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири Ю. П. Воронов ҳозир бўдилар.

Россия Федерацияси рассомларининг VI съездида сайланган РСФСР Рассомлар союзи правленесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум РСФСР Рассомлар союзи правленесининг раиси қилиб В. М. Сидоровни, правлененинг биринчи секретари қилиб А. В. Васнецовни сайлади.

РСФСР Рассомлар союзи ревизия комиссиясининг биринчи пленумида В. М. Дубровин унинг раиси қилиб сайланди. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

МИЛИЦИЯ КАПИТАНИ Р. Т. АНОРОВНИ ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қурулланган жиноятчини қўлга туширишда мардлик ва фидоюрлик кўрсатганлиги учун милиция капитани

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАВИЛИ.

Москва, Кремль.
1987 йил 22 май.

Кўриб турибсизларки, ўроқлар, ишларнинг аҳолида жойлаш комитетлардан яна-на зўр куч-гайрат, министр-ликлардан қатъийят ва иш-нинг кўзини билган ҳолда юшилинч чора-тадбирлар ўришни талаб этади. Уй-жой-лар қуриш ва ремонт қилиш, ўзгор техникасини ремонт қилиш, гаражлар ва бoғ уй-лари, кичик-кичик умумий

(Давоми учинчи бетда)

• РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎТАДИГАН СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН •

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

ЮРИИ ВОРОНОВ,
РСФСР

ШАҲРИНГИЗ ЧИҚМАС ЁДИМДАН

Шаҳрингиз чиқмайди ёдимдан,
Унинг гўзал ва машҳурлиги
бежиз эмас сира ҳам.
Номини граммаси шеъримда лекция
Қилмагиз мендан гина,
Тонгги уфққа термулиб
Шай эмасми куйлашга уни.
Нева билан чағалай этнасан менга,
Қўриқ очилиши эрта саҳарда,

Чўян қанот тўққининг
бўғиқ хирллаши ҳам.
Оппоқ кўча сирли кўч ила
қайтаради одамни орта.
Уларнинг йиғи қўнғи ва саломини
Сизга олиб келдим совға деб...
Сўкманг келиб-кетувчи
шоирларни сира ҳам —
Қалбда ўз шаҳри борлиги учун.

МУЮЛИШГА ЕТДИМ ДЕГАН ЧОҚ...

Муюлишга
Етдим деган чоқ,
Қолганида
Фақат уч қадам,
Учди душман ўқига бироқ...
Дўст бошида турбимиз пургам.

Айтолмади видео сўзларини
Фақат сўнгги кулфатта
Таранг
Тикилгани сўнган кўзлари,
Чўзилгани муз кўли арағи...

Рауф ПАРПИ таржималари,

Верди КЕРБОВЕВ,

(Туркменистон),

КОММУНИСТ

Коммунистми?
Юзларига қора мато
тортиди.

Коммунистми?
Заҳарланди, пичоқланди,
отилди.

Коммунистми?
Қия-қия қараш қилди
Заҳар томган ингоҳлар.

Коммунистми?
Қўримайди жаҳаннам,
Абобларнинг адоғи.

Жасадларини қатор-қатор
Гулханларга тиздилар.

Танларига зангил тиг-да
Беш юлдузлар чиздилар!

«Сен — малъунсан!»
Сен — баттолсан!

Сен — қотилсан!

Сен — душман!

Эзрилган таналардан
Учган руҳлар —
нафратдир.

Ҳақиқатини омон сақлаб
қолаолган кўксини
Турмаларнинг қовғасида
ҳолсиз ётган ҳасратдир!

Коммунист! Бу — ўша
бедор,

ўша — бўйдор ғалаён.

Она ҳалқни бўлди фаҳри,
Бўлди унинг гурури.

Етганида қадамлари
фалакит томига

Оламро ёйилди-ку унинг
уйроқ шури!

Коммунист! Шу битта
сўзга

Тақдиримиз ҳам бўлган.

Ишмиш ҳам, орзумиз
ҳам, мақсадимиз, ўйимиз.

Коммунист! Бизга шундай
Битта хуқуқ берилган.

Олий туги, сабр, бардош
Заҳматларга йўрилган.

Ўқтам МИРЗАЕВ
таржимаси.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА мамлакатимизнинг тур-
ли бурчларидан таниқли шоир, ёзувчи, драма-
тур ва адабиётшунос олимлар меҳмон бўлиб ке-
лишмоқда. Улар Улуғ Октябрь социалистик рево-
люциясининг шонли 70 йиллигига бағишланиб сер-
қуёш ўлкада ўтказилган совет адабиёти кунла-
рида иштирок этадилар. Шу муносабат билан Ўз-
бекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениси пре-
зидиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР
халқ ёзувчиси. Ҳамза мукофотининг лауреати
Асадулло Мухтор махсус муҳаббатига қўйидаги-
ларини сўзлаб берди:

РЕСПУБЛИКАМИЗ-
ДА 24-майдан 1-июнга қадар
ўтадиган кўп миллатли со-
вет адабиёти кунлари бун-
дан авваллари ўтказилган
тадбирлардан фарқ қилади
деб ўйлайман. Негаки, у
дабдаба ва тантаналардан
хали бўлиб, ҳозирги адаби-
ётимизнинг аҳволи, унинг
ютуқ ва камчиликлари юза-
сидан халқ билан очикчаси-
га суҳбатлашиш, адабиёт-
нинг ҳаёт билан алоқасини
янада мустаҳкамлаш руҳида
ўтади.

Шунинг учун ҳам бу тад-
бирнинг ёзувчилар ва китоб-
хонларга фойдали бўлиши
учун Ўзбекистон ССР Ёзув-
чилар союзи билан бир қа-
торда республика Китебсе-
варлар жамияти, китоб сав-
доси ҳамда жамоатчилик
ташкилотлари иштирокида
катта тайёргарлик ишлари
олиб борилади. Негаки, со-
вет адабиёти кунларида уюш-
тирилган халқ-хал тадби-
рларда бевосита китобхон-
лар билан учрашувларга
алоҳида аҳамият берилди,
адабиёт ихлосмандлари
ёзувчиларнинг асарлари ва
ушунга адабиётимизнинг ҳо-
зири аҳволи юзасидан ўз-
ларнинг қимматли фикр-
мулоҳазалари билан ўртоқ-
лашадилар. Шу билан
мазкур учрашувлар монолол
тарзда бўлмастан, кўпроқ
китобхонларнинг фаоллиги-
ни ошириш, қатор муаммо-
лар ҳақида бафурка фикр-
лашилади ва адабиёт ихлос-

мандларини қизиқтиратган
саволларга жавоблар бери-
лади.

Совет адабиёти кунлари
чоғида китобхонлар ёзувчи-
лар олдига фақат бадиий

ижод билан боғлиқ масала-
ларини эмас, балки иж-
тимоий ҳаётимизнинг турли
соҳаларига тааллуқли ўтири-
муаммоларни ҳам ўртага
ташладилар, табиий. Аниқ-
сас, бу учрашувларда эко-
логи, сув ва ер ресурслари-
дан оқилона фойдаланиш,
мактаб ислоҳоти, болалар
тарбияси ва хотин-қизлар
меҳнати сингари долзарб
проблемалар кун тартибига
қўйилиши кўтилмоқда. Бу-
ларнинг ҳаммаси адабиёт-
нинг қайноқ ҳаёт билан
алоқаси азалий эканлигини
яна бир бор тасдиқлади.

Шунингдек, адабиёт кунла-
рида китобхон ва ёзувчилар
адабиётнинг қайта қуриш
пароитидати муҳим вазифа-
лари, бадиий сўз усталари-
нинг бу жараянни тезлашти-
ришга қўшаётган улкан ҳис-
саси борасида ҳам гаплашиб
оладилар.

Ҳозирги адабиёт қандай
бўлиши керак? Қандай асар-

лар китобхонларнинг меҳр-
муҳаббатини қозониши мум-
кин? Ана шу саволларга
тўғри жавоб топиш муҳим,
албатта. Шу билан ҳам
ўша ҳақиқатни ўзлари учун
байроқ қилган ёзувчилар-
нинг граждан сифатидаги
позицияси ва қимматли
фикр-мулоҳазалари бугун-
ги замонашларимизнинг
маънавий қиёфасини шакл-
лантиришда, уларнинг иж-
тимоий активлигини оши-
ришда гўят муҳим аҳами-
ятга эгадир. Шу нуқтан на-
зардан адабиёт кунлари дои-
расида Самарқандда ўтади-
ган «Совет Шарқида соци-
ализмнинг барқарор топиши

нишнинг шахсан мен жуда за-
рур деб ҳисоблайман. Бу бо-
рада бизга ўзбек романичи-
лиги кўлга киритган бой таж-
риба ҳамда Ҳамза, Айний,
Ойбек традицияларининг да-
вом этирилиши бугунги
қайта қуриш шароитидаги
адабиётимиз ривожланиши-
да жуда катта роль ўйнаши
мумкин.

Республикадаги меҳмон
бўлиб келадиган ижодкор-
лар орасида Ю. И. Суров-
цев, З. С. Кедрин, В. Д.
Оскоцкий (Москва), А. К.
Нурпеисов, М. Д. Симашко
(Қозғистон), Т. Қосимбек-
ов, Д. Соликов (Қирғизис-
тон), С. Г. Асадуллоев,

ги адабий уюшма қатнашчи-
лари иштирокида учрашув
ўтказиладилар. Сўнгра улар
Пискенит ва Ғалаба райони-
да тошқин оқибатини бар-
тарф қилган меҳнатқаш-
лар ҳузурида бўлишади.
Шундан сўнг меҳмонлар
Сирдарё областига қараб
йўл оладилар.

Ёзувчиларнинг иккинчи
группаси Фарғона, Андижон
ва Наманган областларида
бўлишади. Қатор ишлаб чи-
қариш корхоналари ва ўқув
юртларида адабий учрашу-
влар, интернационал шери-
ят кечалари ўтказиладилар.
Учинчи группа эса Қорақал-
поғистон АССР ва Хоразм
областининг меҳнатқашлари
олиб бораётган ишлар билан
танишади. Меҳмонлар Орол
деңизини бориб кўришади,
шаҳар ва кишлоқларда кўп
сонли адабиёт ихлосмандла-
ри билан учрашадилар.

30 — 31 майда кўп мил-
латли совет адабиёти кунла-
ри қатнашчилари Тошкен-
га тўпланишади. 1 июнь ку-
ни Алишер Навоий номи
театрда совет адабиёти бай-
рамнинг ёйилишига бағиш-
ланган адабий кеча ўткази-
лади. Шундай қилиб, мам-
лакатимизнинг турли бурча-
ларидан она-диримизга та-
шир буюрган адиблар ўзбек
халқининг ҳаёти билан яқин-
дан танишиш билан бир қа-
торда, совет адабиётининг
ҳозирги пайтдаги назарий
ва амалий масалалари, ижод
ахли олдига турган маъсу-
лиятли вазифалар юзасидан
фикрлашиб оладилар. Бу-
ларнинг ҳаммаси ўз навабати-
да уларнинг гражданлиги ва
ижодкорлиги активлигини
оширишга, яратилажак асар-
ларнинг гоийий-бадиий таъ-
сирчанлигини кучайтириш-
га ҳар жиҳатдан ёрдам бе-
ради.

Суҳбатни Р. ҒАНИЕВ

ёзиб олди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН
КУТУБХОНА

Аппартак посёлқасининг
Восточная кўчасидаги Гул-
жамол Норбоева мудирилик
қилмаётган кутубхона бир неча
йиллардир қаровсиз ҳолда
ётибди. Девоҳлари нуроб,
дерваз ромлари ҳаддан таш-
қари эскириб кетган. Китеб-
хоналарга ҳеч бир шароит
йўқлигидан кутубхона вақтин-
ча профпекторийга кўчирил-
ди. Аммо бу жойда ҳам дам
олувчиларининг ҳисобга ол-
маганида китобхонлар сонин
орتماди. 400 хонадон исти-
комат қилувчи бу посёлқа
аҳолиси учун даволаш муасс-
сидан ажратилган хонада 700
тагина китоб тахланиб туриб-

СИНҚ ШИШАНИ КИМ
ОЛАДИ?

Уй-рўзгор хўжалигидан
чиққан чигиринлар, қоғоз,
бўш шиша ва банкалар мах-
сус қабул пунктлари ёни
магазинлар орқали одам-
лардан қабул қилиб олина-
ди. Бу — яхши. Лекин озги
салгина учган шишаларни на
магазин, на қабул пункти
қабул қилмайди.

Нега шундай? Хўш, хона-
донларда йиғилиб қолган
бу шиша ва банкаларни ни-
ма қилиш керак? Наҳотки,
энди улардан қайта фойда-
ланишнинг иложи бўлмас?
Кўпгина йиғилиб қолган
бундай шишаларни ташлаб
юборишимизга тўғри келят-
ти. Балки биз бундай қилиб
исрофгарчиликка йўл қўй-
ганимиз? Қайсибир корхо-
нада ундан хом ашё сифати-
да фойдаланиш мумкинлиги?
Бу ҳақда ўйлаб иш тутайди-
ган вақт етиб келмадимикан?

ЯНГИ СПРАВОЧНИК КЕРАК

ЧИРЧИҚ шаҳри йил са-
йини кенгайиб, телефон тар-
моқлари ҳам қўпайиб бори-
моқда. Масалан, шаҳарнинг
3, 4, 8 ва 9-микрорайонлари-
да янги автомат телефон
станциялари қуриб фойда-
ланишга топширилди. Шу-
нинг учун бундан 10 йил
бурун тузилган абонент-
чилар рўйхати бугунги та-
лабга жавоб бермай қолди.

И. ЗИМИН,
меҳнат ветерани, пенсо-
нер.

ЯНГИ МАССИВДА
ФИРМА МАГАЗИНИ

ПОИТАХТДА янги бунёд
этилатган Чорсув массивида
Тошкент районининг саба-
вот, мева ва гуллар билан
савдо қилувчи фирма мага-
зини хизмат қила бошлади.
Қўнқаватли уйлар орасида
жойлашган бу магазинга ра-
йондаги Навоий номи кол-
хоз далаларида, боғ ва ток-
зорларда етиштирилган
ноз-неъматларни сархид хол-
да келтириб туриш мўлжал-
ланган. Гуллар билан савдо



СССР чет эл туризми Да-
лат комитети Тошкент бўли-
мининг маданий-ахборот мар-
казида ўтказилган матбуот кон-
ференцияси «Польша — ту-
ризм мамлакатиди, дўстлар див-
ри» деб номланди. Унда рес-
публика оммавий ахборот
васиталари ҳамда Ўзбекистон
ССР чет эл туризми бош бош-
қармаси ҳокимлари иштирок
этишди. Дастлаб конференция
иштирокчиларига Польша ҳа-
қида қилиб қилувчи «Хўш ке-
либсиз!» ҳужжатини фильм
намоиши қилинди. Шундан
сўнг Польша физкультура ва
туризм комитетининг дирек-

қилувчи бўлимдан эса «Ле-
нинград» соххои ишчилари
парварини қилган турфа гул-
лар ариймади.

Магазинимизга келти-
рилатган сабзавот махсу-
лотларининг сифати бозор-
лардагидан қолшимайди,
— дейди магазин мудири Ў-
ғил Нортубоева. — Нарх-
нинг бозордагидан анча ар-
зонлиги харидорларни, ай-
ниқса, мамнун этмоқда.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: (чапда)
магазин мудири Ў. Нортубое-
ва иш устида; (ўнгда) ма-
газиннинг ташқи кўриниши.

Автор фотолари

ТУРИЗМ

ПОЛЬШАГА
МАРҲАМАТ!

тори Зислав Гонсоровски
СССР — Польша халқлари ў-
ртасидаги дўстлик алоқалари,
ҳозирги вақтда Польшадаги
вазят ҳамда туризм бюрола-
ри фаолияти ҳақида сўзлаб
берди.

— Серкув республика-
гида иккинчи бор бўлиши,
— дейди у. — Биринчи бор
бундан ўн тўрт йил илгари —
1973 йилда келган эдим. Хо-
зирги кунда халқларимиз ўр-

тасидаги дўстлик ҳамда мада-
ний алоқалар янада мустах-
камлашиб бормоқда. Туризм
соҳасида ҳам кўп ишлар
қилинмоқда. Шу йил бошдан
бугунгача 17 мингдан зиёд
польшалик сайёҳлар сизинг
дирингиз билан танишдилар.
Йил охиригача уларнинг сонин
100 мингга боради. СССРдан
эса 20 минг сайёҳчилар Пол-
шанинг қадимий аждорликлари,
В. И. Ленин номи билан

боғлиқ жойлар, буюк компо-
зитор Ф. Шопен ҳамда астро-
ном Н. Коперник яшаган ер-
ларни кўриш имконига эга
бўлади. Бизнинг мамлака-
тимизга келган ҳар бир ту-
рист ўз диёрига мамнун бў-
либ қайтишига ишончим ком-
мил.

Учрашув сўнгида З. Гонсо-
ровски конференция қатнаш-
чиларини қизиқтирган савол-
ларга жавоб берди.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА
ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИДА
23, 24 май соат 15.00 ва 19.30 да
25 май соат 19.30 да

ТАТАРИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

«Сиз ёқтирган куйлар»
КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

РСФСР ВА ТАТАРИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Илҳом ШОКИРОВ

солистлар: Хамдуна ТЕМИРҒАЛИЕВА, Ғозинур ФА-
РУШИН, Искандер БИҚТАҒИРОВ, Зейра ШАРИ-
ФУЛЛИНА, Салим МИҒТАХОВ.


ҚОЗОН МОДАЛАР ТЕАТРИ
ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Концертларини — Фирдовси ХАЛИЛОВ ва Зайтуна
ЯРУЛЛИНА олиб боради.
Постановкачи-режиссёр — Марат ТАЗЕТДИНОВ.
Билетлар СССР Халқлари Дўстлиги саройи кассалари-
да соат 14.00 дан бошлаб сотилади.
Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қили-
нади.

Димқиқсангиз

«Ион»ни ишга

туширинг!



ХАВО НАМЛАГИЧ ИШГА ТУШИШИ БИЛАН КВАР-
ТИРАДАГИ ХАВО ТОЗАЛАНИБ, МУСАФФОЛАШ-
НИНИ ТЕЗДА ХИС ҚИЛАСИЗ. БАҲРИ-ДИЛИНГИЗ
ОЧИЛАДИ.

Олиқларнинг таъкидлашича, хонада соф ҳаво бўлиши
профилактика учунгина зарур эмас. У шифобахш ҳусу-
ятга ҳам эгадир.

Бунга ҳаво намлагичнинг мўътадил ишлаши ўй жиҳоз-
лари, китоблар, расмлар, мебель, чолғу асбобларига ҳам
ижобий таъсир этганини кўпчилик қилиш мумкин.

«ИОН» электр ҳаво намлагичининг баҳоси — 29 сўм, у
«Электр товарлари» магазинларида сотилмоқда.

КИЕВДАГИ РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА ИШЛАБ ЧИ-
ҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИР-
ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-
ЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат
комитети
Тошкент шаҳар хунар-техника таълими
бошқармасининг

16-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИ, ИГИРВУЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ,
КАЛАВАЛОВЧИ.

Ўқиниш муддати — 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга
бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан ўқиниш кирганларга ҳар ойда
70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълум-
от билан ўқиниш кирганлар бепул оқнат ва кийим-
бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практика-
си даврида иш ҳақининг 50 процентини тўланади.

Билим юртини битирганларга касб эгаллаганлиги
ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом
берилади.

Билим юртини ахши баҳолар билан битирган ўқувчи-
ларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш учун
йўлланма берилади.

Ўқиниш муддати иш стажига кирди, Машиқулотлар
яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим
юртида бадиий хаваскорлик тўғрисида, спорт секция-
лари, бичиш-тиқиш тўғрисидаги мўътадил ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчилар бўш вақтини
мароқли ўтказишади, дам олишлари ва соғлиқларини
мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган.
Корхонада санъат саройи, профпекторий, дам олиш
зоначи ва кечки техникум бор.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни
топширадилар:

билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғри-
сида ҳужжат, тарихий ҳоли, ҳарактеристика. 3х4 см
ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина
справкаси, турар жойдан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе
райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-авто-
бусларнинг «16-билим юрти» бекати).

«ЎЗБЕКБУРГАЗ» иш-
лаб чиқариш бирлашмаси-
нинг

ЎРТА ОСИЕ БУРҒУ-
ЛАШ ИШЛАРИ БОШҚАР-
МАСИГА

вахта методи билан иш-
лаш учун бурғулаш участ-
каларига

бурғуловчилар, бурғулов-
чи ёрдамчилари, дизелист-
лар, бурғулаш инженерлари,
қурилиш ишчилари

КЕРАК

Мурокаб учун адрес:
Тошкент область, Калинин
райони, Свердлов посёлқаси
«Самарқанд» автостанция-
сидан 181, 187-автобуслар
боради.

ТАШКИЛОТЛАР ВА
КОРХОНАЛАРИНИНГ
РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Автомо-
биль йўллари қурилиши ва
ундан фойдаланиш министр-
лигининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ
12-АВТОКОРХОНАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан
кундан бошлаб бир ой мо-
байнда қуйидаги адресда
қабул қилинади: 702312,
Нариманов шаҳри, Охунбо-
боев кўчаси, 23-уй.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

Издаётис на
ўзбекском языке

(«Ташкентская правда»)